ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:
ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

12 (342)
2003 йил 26 март
Чоршанба
O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

85-кун

2
● «... Отам одамларга илтифотли эдилар...»
● Дўмбиробод оқсоқоли

3
● «Жиҳод» сўзининг асл маъноси...
● Гиёҳнинг ҳам уволи бор!

4
● Ношукр фарзанд...
● Ёшлик — бебошликми?

● "Соғлом оила" мусобақалари

УЧИНЧИ БОСҚИЧДА

Оилавий спортнинг III вилоят босқичи катта спорт байрамига айланди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан ўтказилаётган «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари вилоят босқичига етиб келди.

Андижон вилоятида ҳам мусобақанинг биринчи босқичи маҳаллаларда ўтказилиб, унга бир ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган, спортнинг бир неча турларидан хабардор соғлом ота ва оналар 14 ёшгача бўлган фарзандлари билан қатнашдилар. Улар ичидан иккинчи босқичга номзодлар аниқланди. Иккинчи босқич мусобақалари туман ва шаҳарларда ўтказилиб, вилоят миқёсида ўтказиладиган учинчи босқичга номзодлар танланди.

Вилоят миқёсидаги учинчи босқич эса, Қиргули туманидаги "Кимёгар" спорт мажмуида ўтказилди. Унда нафақат ғолиблар, балки туман ва шаҳар ҳокимликлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашиб, тадбир Наврўз тантаналарига уланиб, катта спорт байрамига айланиб кетди.

Учинчи босқич вилоят мусобақалари спортнинг бешта - баскетбол, қўлда куч синаш, арқон тортиш, узоққа сакраш ва югуриш турлари бўйича ўтказилди.

Охунбобоев туманидаги Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини педагог-тарбиячиси Баҳодиржон Орзибоев вилоят мусобақасининг барча турларида оиласи Шахринисо, ўғли Хуршидбек, қизи Шохсанамхонлар билан қатнашди ва энг юқори очко тўплади. Ташкилий қўмита қарорига асосан бу оила учинчи вилоят босқичининг мутлақ ғолиби деб топилиб, республикада ўтказиладиган тўртинчи босқич мусобақасида қатнашишга йўлланма берилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 март

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

4. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

6. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

7. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

● Бугуннинг гапи

ХАРИДИМИЗ ЧЕТ ЭЛНИКИ, ГУРУРИМИЗ-ЧИ?

*Бир бекатда нечта сотувчи?
*Фармонбиби айтганидек...
*Барча олиб сотаверса, ким ишлаб чиқаради?

Эътибор берсак, маҳалламиз аҳлининг аксарияти, кўпроқ ишга яроқлиси борки, олиб-сотиш билан машғул экан. Ким машинанинг эҳтиёт қисмини, ким қурилиш хомашёсини, ким писта ва сақич, ким гугурт ва сигарет, хуллас, ҳар ким эплаганини сотиб олиб, қайта сотмоқда. Масалан, қайси бекатга қараманг, бир эмас, уч-тўрт киши майда-чуйда нарсаларни сотиб ўтирган бўлади. Сотилаётган «маҳсулот»ларнинг ўзи ҳам, нархи ҳам бир хил. Хўш, шундай бўлгач, бир бекатда учта олиб-сотарга на ҳожат!? Албатта, улар ўзларининг бу юмушларини рақобат асосидаги тадбиркорлик деб англайдилар. Биз-чи? Биз нима ҳам дердик, ҳар қанча ғашимиз келмасин, «Тирикчилик-да...» деймизу, кунда, кун ора бирон нарса харид қилиб кетаверамиз. Икки маҳалладош сотилмай қолган сақич баҳона ёки мижоз талашиб катта жанжал қилсалар-да, жим тураверамиз. Ҳеч бўлмаса, «Карвон кўп, ризқи бошқа!» деб қўямиз. Албатта, боболаримиздан қолган бу мақол жуда пурҳикмат. Ана улар савдогарликни обрўли, хайрли ҳунар даражасига етказа олганлар. Савдогарман деган киши карвонга қўшилиб юртма-юрт кезган, ўз ҳамюртларига фақатгина сифатли, айни пайтда ўз юртида мавжуд бўлмаган маҳсулотни, иложи борича арзон нархда келтиришга интилган. Савдогарлик қилиб кўпгина заҳматларни чекканларга нисбатан айтилган юқоридаги мақолни бугун шаҳарнинг бир четидан иккинчи четига, ёки умуман икки бекат наридан олиб келинган нарсани пуллаётганларга нисбатан қўллаш ўринли бўлмаса керак. Азалдан моҳир уста-ҳунармандлари билан дунёга довруғ солган юрт фуқаролари, яъни сизу биз, барчамиз тадбиркорликни чайқовчиликдан фарқлолмай, билиб-билмай олувчию сотувчига айланиб қолмаяпмизми?

Дарвоқе, ҳозир ҳам юрт кезиб маҳсулот келтираётган савдогарларимиз бор, лекин улар келтираётган маҳсулотларнинг аксарияти сифатсиз. Буюм бозорларимизни кўринг: на ишлаб чиқарувисини, на матосининг таркибию тўқувчисининг манзилини билиб бўлмайдиган сифатсиз, қалбаки кийим-кечакларга тўлиб кетган. Аслида бу ҳолга ажабланиш ҳам, савдогарни койийвериш ҳам ўринсиз, чунки бу маҳсулотларга харидору талабгор бўлаётган бизнинг ўзимиз-ку! «Келинлар қўзголони» кинофильмида Фармонбиби «Фалон кийимни олиб беринг, чет элники экан-ку» деган келинини «Одамларга ҳайронман, хўрозқанд чет элники деса, ётиб олиб ялайдилар-а, тавба!» деб койиб беради. Айни дамда бу кинояни ҳар биримизга нисбатан айтиш мумкин. Бошдан-оёқ

Дунёга танилган, нуфузли бир рухшуноснинг таъкидлашича, бирон нарсани сотиш ҳам, сотиб олиш ҳам инсонга ҳузур бахш этаркан, унинг ўз кучига бўлган ишончини орттирар экан. Бугун замондошларимизнинг ҳаракатларини кузатиб туриб, балки рухшунос янглишгандир, аслида бирор нарсани арзонроқ сотиб олиб, сўнгра қимматга сотиш энг ҳузурбахш машғулот бўлса керакдир, деган ўйга толасан, киши.

нан бизнинг бозорлар, яъни сизу биз учун қалбаки ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган кооперативлар, енгил саноат корхоналари туну кун ишлаётганини ҳаммамиз ҳам билмаймиз. Уларнинг маҳсулотлари тегишли тарзда текширилмайди, сифат даражаси аниқланмайди. Чунки ушбу маҳсулотлар фақатгина четга кетади, ўша давлатнинг фуқароларига бу маҳсулотлар етиб бормайди. Ҳатто бу маҳсулотларни улар ишлаб чиқарилган давлатнинг ўзида истеъмолга чиқариш, яъни сотиш қатъий тақиқланган, бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган!

Ўзимизнинг корхоналарга келсак. Масалан, нима учун биз «Қизил тонг», «Юлдуз» ёки бошқа биронта корхонамизда тикилган маҳсулотни сотиб олмаймиз. Биз чет элнинг сифатсиз қалбаки кийимларини афзал билиб янглишиб турганимизда ушбу корхоналарнинг маҳсулотлари яқин хорижий давлатларга экспорт қилинаётганига нима дейсиз? Шу ўринда таъкидлаш жоизки, масала моҳияти фақатгина бизнинг қаерда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олишимиздагина эмас. Бу ўринда биз сотиб олаётган маҳсулотнинг ўзимизда, ўз юртимиздаги хом ашёдан, ўзимизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилган эканлиги жуда муҳим. Балки ўзимизнинг маҳсулотни сотиб олаётиб биз бир қадар ўзимизни чеклашга мажбур бўлармиз. Наҳотки, биз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамғали маҳсулотларнинг кўпайишига ҳисса қўшишга, ўз қизиқишиздан Ўзбекистон обрўсини баланд қўйишга қодир эмасмиз. Айтайлик, бир киши ўзимизда ишлаб чиқарилган пальтони сотиб олди. Бир кишининг пальто сотиб олиши жамият учун муҳим воқеа эмас, лекин у сотиб олган пальтонинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлиги ва шу ернинг ўзида харидорини топгани жамиятимиз ривожи учун жуда муҳим кўрсаткич. Қисқаси, бу - тараққиётнинг ўзгинаси! Қолаверса, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аксарияти чет элникидан қолишаётгани йўқ. Чунки юртимиздаги барча корхоналар иқтисодий ислоҳотларни бошдан кечирди, ўзини ўзи чет эл технологиялари, чет элда малака оширган ходимлар билан таъминлаб олди.

Хуллас калом, талбиркор дегани - бирон маҳсулотни олиб сўнгра сотувчи эмас, ўша маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини излагувчи ва уни топгувчи киши эканини англашга бугун ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж сезмоқдамиз. Маҳалладошимизни ҳам тирикчилик дея, ғурур ва ориятдан кечмасликка, ўзини ғурурли инсондек ҳис қилиш имкониятини бой бермасликка чорлашнинг бугун айни фурсати.

Мавлуда ҚОСИМОВА

ТАВСИЯЛАР - ОБОД МАҲАЛЛА АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Республика хотин-қизлар қўмитасининг қўшма қарори билан тасдиқланган тўй-маъракага ва бошқа маросимларни тартибга солишга қаратилган тавсияларни "Mahalla" газетасида нашр этилганлиги милий қадриятларимизни тўғри англаш ва тарғиб қилиш борасида айни муддао бўлади.

Яқинда Наманган тумани Ғирвон қишлоқ Боғ маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг ана шу муҳим ҳужжат мазмунини фуқароларга таништиришга бағишланган семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда маҳалланинг обрўли отахонларидан С.Муталлиев, Ё.Мирнеъматов, Т.Халилов, А.Қаҳҳоров, маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Юсуповалар сўзга чиқиб, тўй ва маъракалар, оилавий маросимларни ихчамлаштириш тўғрисидаги тавсияларни қўллаб-қувватладилар ва қайнона-келин муносабатлари, оилада эркакларнинг ўрни, муносиб ворисларимиз бўлган ёшлар тарбияси масалаларига алоҳида эътиборни қаратдилар.

Носиржон ЮСУПОВ,
педагог-тарбиячи.

● Маҳаллага мактуб ва муносабат

МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПДИ

Андижон вилояти



"Ўтган йилнинг охирида "Mahalla" газетасига мактуб йўллаб, маҳалламиздаги айрим муаммо ва уларни бартараф этиш ҳамда унинг фаолиятини янада жонлантиришга оид таклифларимни баён қилгандим. Менинг ушбу мактубим ҳокимиятда шахсан ўзимнинг иштирокимда муҳокама қилинди, атрофлича ўрганилди. Мен киритган таклиф бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига ер ажратишга қарор қилинди, "Учқўза" ҳиссадорлик жамияти эса маҳалламизга ҳомий этиб белгиланди. Айни кунларда ҳомийимиз ёрдами билан маҳалла идораси биноси таъмирланмоқда, шунингдек, ободонлаштириш ишларига ҳам кўмак беришмоқда. Шунингдек, мен томондан ўртага қўйилган бошқа таклифлар ҳам ўрганилиб, маҳалламиз фаолиятига татбиқ этиш йўллари изланмоқда. Мен маҳалламиз аҳли номидан мурожаатимизни эътиборсиз қолдирмагани учун севимли газетамизга ва таклифларимизни инобатга олгандари учун туман ҳокимлигига миннатдорчилик билдираман.

Андижон вилояти Пахтаобод тумани
Тўраобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси
А.БЎТАБЕКОВ."

"Mahalla" газетаси таҳририятига

Сизга шуни маълум қиламизки, туманимиздаги Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Тўраобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Бўтабековнинг таҳририятга ёзган шикоят ва таклиф хати оқсоқол иштирокида атрофлича ўрганилди. Ҳокимлик ва тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда хатда келтирилган камчиликлар ўз жойида бартараф қилинди, таклифлар ўрганилди.

Обод маҳалла йили Дастури ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан тумандаги барча маҳаллаларни обод қилиш бўйича тегишли тадбирлар режалаштирилиб, амалга оширилмоқда.

Пахтаобод тумани ҳокими Ш.САТТОРОВ"

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.
Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти
Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Қашқадарё вилояти

Шундай кишилар бор бўлсин

МЕҲР КЎРСАТСАНГ МЕҲР КЎРАСАН

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари, Қарши шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги Дарвозатумак маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган хайрия тадбири Наврўзона қадриятларнинг яна бир тантанаси бўлди.

Унда кам таъминланган оилалардан 32 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳакимов тўй - болаларни қутлади ва уларга сарполар кийгизди. “Қашқадарёавтойўл” давлат акционерлик бирлашмаси бошлиғи, Республика Олий Мажлиси депутати Қ.Панжиев 26 нафар тўйболанинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул ўтказилган ҳисоб дафтарчаларини, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т.Холов бошқарма ҳисобидан 6 нафар болага беш минг сўмдан тўёналар топширишди.

Шеърлар куйларга, лапарлар қўшиқларга уланиб даврага ўзгача файз бахш этди.

Ўз мухбиримиз.

Озодалик ойлиги қандай ўтмоқда?

КАТТАМИ - КИЧИКМИ - ТАШАББУС ЯХШИ

Сиёб тумани маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар ўнтадан мевали дарахт ва шунча гул кўчатларини ўзи меҳнат қилаётган корхона ва муассасаларнинг атрофига ўтказиш ҳамда парваришини билан шуғулланиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Шу ташаббус асосида Наврўз байрами кунлари 23 минг 850 туп ниҳол ўтказилди.

Бундай эзгу иш Амир Темур бобомиз қурдирган боғ шарафига Боғизоғон номи билан аталувчи маҳаллада ҳам давом этаётир. Шуниси аҳамиятлики, яқинда маҳалланинг маркази очилди. Марказ атрофини кўкаламзорлаштириш, ниҳоллар ўтказишга ёшу қари якдиллик билан иштирок этдилар. Қисқаси, бу ерда тозалик, ободончилик ойлиги уюшқоқлик билан ўтмоқда. Асосий ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилаётир.

ҒОЛИБ МАҲАЛЛА АНИҚЛАНДИ

“Экосан” халқаро жамғармаси вилоят бўлими, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят “Маънавият ва маърифат” маркази, Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, вилоят Телерадиокомпаниясининг “Энг обод маҳалла” вилоят кўрик-танловида Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалла ғолиб деб топилди ва маҳаллага республика босқичига йўлланма берилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, “Mahalla” мухбири.

ЯНГИ ГУЗАРЛАР

- Яқинда Истиқлол маҳалласига 5 хонали бино фуқаролар йиғини идораси учун ажратилди, - деди Пахтачи тумани “Маҳалла” жамғармаси бўлинмаси раиси Исмат ака Санаев.

Туман ҳокимлиги ва “Маҳалла” жамғармаси дастурига биноан еттита маҳалла биносини жорий таъмирлаш ва тўртта маҳаллада гузар фойдаланишга топширилади.

Кимё ТУРСУНҚУЛОВА

Фикрлар тўқнашганда

ҲАҚ ДИНИНИНГ ҲАҚ КАЛОМИ

Ёки «Ҳизбчи»ларнинг пуч талқини ҳақида

Ҳақ дин ўз номи билан ислом - яъни, тинчлик демакдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Эй мўминлар! Ёппасига тинчлик йўлига киринглар, шайтоннинг йўлларига эргашманглар!” деган. (Бақара сураси, 208 оят).

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Бугунги кунда Ислом динининг бу каби инсонпарварлик томонларини кўп бора эътироф этишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Маълумки, кейинги вақтларда “Ҳизбут-таҳрир” каби ўзини ислом динига мансуб деб даъво қилган бузғунчи оқим ва фирқалар пайдо бўлиб, уларнинг ношаръий хатти-ҳаракатлари ўз дини ва имонида содиқ бўлган чин мусулмонлар обрўсига путур етказмоқда. Бундай оқим тарафдорлари дунёвий ғаразни асосий мақсад қилиб олганликларини пинҳон тутган ҳолда, ўзларини дин ҳомийлари деб атайдилар. Ваҳоланки, уларнинг қилмишлари одамларнинг тинчини бузиш, динлараро низо чиқариш, ота-болани бир-бирига қарши қўйиш ва ҳоказолар билан осуда ҳаётни беқарорлаштиришга уринишдан иборатдир. Улар ўзларининг қилмишлари тўғрилигини исботлаш учун оят ва ҳадислардан ҳам намуна келтирадилар. Бу билан оммага ўзларини Қуръон ва Суннатга амал қилаётган чин мусулмон қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Ўз мақсадлари йўлида “Ҳизбчи”лар Аллоҳнинг каломи ва Пайғамбаримизнинг ҳадисларини ҳеч иккиланмай ўз раъйларига тўғрилаб талқин қиладилар.

Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида Абдуллоҳ ибн Амрдан қуйидаги ривоят келтирилган: “Бир киши Пайғамбар алайҳиссалом олдиларига келиб жиҳодга чиқишга рухсат сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ота-онанг ҳаётми?”, деб сўрадилар. Шунда у “Ҳа” - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Қайтгин ва ота-онанг розилиги йўлида жиҳод қилгин” - дедилар.

Яна Имом Аҳмаднинг “Муснад”ида келтирилганки: “Бир киши Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига келиб: “Эй Расулуллоҳ! Сиз билан бирга жиҳод қилишни хоҳлаб келдим. Келаётганимда ота-онам йиғлаб қолдилар” - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: “Уларнинг олдиларига қайтгин. Уларни қандай қилиб йиғлатган бўлсанг, шундай қилиб кулдиргин” - дедилар. Шу ва шунга ўхшаш ҳадисларни “Ҳизбчи”лар қуйидагича талқин қиладилар:

“Жиҳод фарзу ъайн ва фарзу кифоя бўлади. Табук ғазотида жиҳод фарзу ъайн эди. Шу сабабли Расулуллоҳ бу ғазотдан кеч қолиб бора олмаган саҳобаларни жазоладилар. Савийқ ғазотида эса фарзу кифоя бўлган эди. Юқорида зикр қилинган ҳадисларда жиҳод қилиш мазкур кишиларга фарзу кифоя бўлиб, оилаларини боқиш эса фарзу ъайн эди. Шу туфайли Расулуллоҳ уларга ўз оилаларини - ота-онасини, хотини ва фарзандларини боқишга буюрдилар. Уларни боқиш фарзу ъайн бўлиб фарзу кифоядан олдин бажарилади.

Шаръий қоидага кўра фарзу кифояни бажариш билан фарзу ъайнни бажариш тўқнаш келиб қолса, аввал фарзу ъайн бажарилади. Фарзу кифояни бажариш кейинга қолдирилади. Жиҳод фарзу ъайн бўлган ҳолатда, яъни жиҳод қилиш кишига мажбурий бўлиб қолган пайтда у жиҳодни тарк этиб оиласини боқиш учун тирикчилик билан машғул бўлса гуноҳкор бўлади. Ота-она, оилани боқиш ҳам, жиҳод қилиш ҳам фарз бўлиб бир вақтда иккала фарзни ҳам бажаришга тўғри келиб қолса икки фарздан бирини тарк этишга, яъни ҳаром иш қилишга тўғри келади. Бундай ҳолатда оила гарчи очликдан ўлса ҳам оила боқишни тарк этиб жиҳодга бориш зарур...”

Минг афсуски, ушбу тоифаларнинг бундай нотўғри талқинларига алданган баъзи ёшлар айрим ҳолларда уларга кўр-кўрона эргашиб кетдилар.

Энди “Ҳизбчи”ларнинг даъволарида “жиҳод” сўзи кўп учрашини эътиборга олиб, унинг асл маъноси ва шариат нуқтаи назаридан қандай изоҳланишига эътибор қаратайлик:

“Жиҳод” сўзи луғатда “жидду жаҳд, саъй-ҳаракат, ижтиҳод” маъноларини ифодалайди. Жиҳод сўзини жанг, кураш, уруш маъноларида ишлатилиши эса фақат бостириб кирган душмандан ҳимояланиш мақсадида олиб борилган курашгагина тегишлидир. Жиҳод уч хил бўлади: ўз нафсига қарши жиҳод, шайтонга қарши жиҳод, ёвга қарши жиҳод. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз нафсига ва шайтонга қарши жиҳодни “катта жиҳод”, ёвга қарши жиҳодни эса “кичик жиҳод” деб номлаганлар. Бунинг сабаби, нафс ва шайтонга қарши жиҳод узоқ давом этади, эҳтимол умрнинг охиригача давом этиши мумкин, ёвга қарши жиҳод эса маълум бир вақт давом этади. Демак, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш дегани мазкур уч турдаги жиҳоднинг ҳаммасига бирдек тааллуқли бўлиш билан бирга уларга атама ном ҳам бўлиб қолган.

Шундай қилиб, шариат нуқтаи назаридан жиҳод ёвнинг ҳужумидан ҳимояланишга, нафснинг хуружига ва шайтоннинг васвасасига нисбатан қўлланилади. Шундай экан, жиҳод лафзини фақат жангу жадал маъносида беҳуда ишлатиш мутлақо ноўриндир.

Исломнинг аввалида мусулмонларга жанг қилишга изн берилмаган, балки уларни сабрга, кечиримли бўлишга тарғиб қилинган. Мушрикларнинг мусулмонларга қарши жабр-зулмлари ҳаддан ошиб кетганидан кейингина, ўзларини ҳимоя қилишлари учун жанг қилишга рухсат берилган. Бу ҳақда қуйидаги оят нозил бўлган: “Ҳужум остида қолган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлиги сабабли, (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир” (Ҳаж сураси 39-оят). Демак ушбу оятга биноан, Ислом динида жангга фақат мудофаа учунгина рухсат этилган.

Тарихдан маълумки, Пайғамбаримиз (с.а.в.)-нинг буйруқлари билан саҳобалар ўзга диёрларга динни тарқатиш мақсадида юборилар эдилар. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга одамларни динга зўрлаб киргазиш эмас, балки уларга динни етказиб қўйиш вазифасини юклаган эди. Бинобарин, эллик йил илгари теварак-атрофда бўлиб ўтаётган воқеаларни нотўғри идрок қилиб, ўзини “даҳо” деб билган, бунинг устига узоқ ўлкалардан бирининг вакили бўлмиш Т.Наббаҳоний деб аталган кимсанинг “Жаҳон ислом халифалиги” тўғрисидаги пуч даъвоси йўлида фитнага ундовчи варақаларни тарқатишни “жиҳод” деб аташ, бу йўлда жондан азиз ота-оналарини, қоракўз фарзандларини мушкул аҳволга солиб қўйишга даъват қилиш на мусулмончиликка ва на инсонийликка тўғри келмайди. “Ҳизбий”лар йўлбошчиларининг ниятлари аслида фитнадир. Хорижий ҳомийлардан олаётган садақаларини оқлаш мақсадида улар қанчалаб йигитларимизни фитна йўлига киритмоқдалар, оилаларидан жудо қилмоқдалар. Агар “Ҳизбут таҳрир” ғоялари тўғри бўлганида, ушбу фитначи оқим жаҳон бўйлаб қувғин қилинмаган бўлар эди.

Ҳозирги кунга келиб, Ислом дини, алҳамдулиллаҳ жаҳонга тинчлик ва салом дини сифатида ёйилиб бўлди, илло уни тарғиб қилиш учун қуролли жиҳодга эҳтиёж қолмади.

Шунга биноан, ҳозирги замонда жиҳод даъвоси билан чиқиш ноўриндир. Бундай даъво натижасида дунёда беқарорликни юзага келтириш, динлараро зиддиятлар пайдо қилиш, мўмин-мусулмонлар ўртасида ҳам фитна чиқариб қўйишга сабаб бўлиб қолиш мумкин. Қуръони каримда: “Фитна қотилликдан ҳам каттароқ (гуноҳ)дир...” - дейилган. (Бақара сураси 217-оят).

Ботил нарсанинг умри қисқа бўлади. Аллоҳга шукрки, ҳозирги кунда мазкур тоифага илмсизлиги ва ёшлиги туфайли адашиб кириб қолган ёшларнинг кўпчилиги ўзларининг алданганликларини англаб, узр айтиб, бу эгри йўлдан қайтмоқдалар. Ҳаётларининг келгуси дамларида қилган хатоларини такрорламасликка, балки айбларини Ватанга хизмат қилиш, ҳақиқий мўмин-мусулмон бўлиб яшаш билан ювишга ваъда бермоқдалар. Қолаверса, ҳалигача адашиб юрган биродарларини шайтоний йўлдан қайтиб, ота-оналари, ёру биродарлари, фарзандлари бағрига қайтишга чақирмоқдалар. Ўз навбатида, халқ ҳам уларни кечиришга тайёр эканлигини изҳор қилмоқда.

Яратган Парвардигор барчамизни тўғри йўлдан адаштирмасин.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ТАБИАТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Биз уни биламизми?

- **Она табиат биздан сўрайди...**
- **Зилол сувлар хумори**
- **Ривоятлар сўйлайди**
- **“Увол” тушунчаси...**



Мустақилликка эришган халқимиз, янги XXI асрга ўзининг миллий-маънавий қадриятларини тиклаган, уларни янги мазмун билан бойитиб, янгича ҳаёт бахш этган ҳолда кириб келди.

Мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги қизғин давом этмоқда.

Республикамиз маҳаллаларида, корхоналарида, ширкатларида, олий ўқув юртларида, бутун ташкилотларда аҳолининг саломатлигини янада яхшилаш, санитария-гигиена, экология маданиятини ошириш, сув йўлларини тозалаш, кўчатлар ўтказиш, дарахтларни оқлаш, аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти манбаларида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш ҳолатини янада яхшилаш давом этмоқда.

Атрофимизни ўраб олган борлиқ нур, ҳаво, ер, сув, ўсимликлар дунёси жонли ва жонсиз мавжудотларни “Она табиат” дея ардоқлаймиз, куй ва қўшиқларда мадҳ қиламиз. Бу бежиз эмас, табиат она сингари муқаддас-меҳрибон ва яратувчи, бокира ва қудратлидир.

Инсон ҳаёти йўналиши иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб шахснинг соғлом ҳаёти муҳитида яшашга хизмат қилувчи экологик ҳуқуқига йўналтирилган бўлиши зарур.

Инсон ҳаёт давомида фақат ўзи тўғрисидагина эмас, балки келажак авлодлар тўғрисида ҳам қайғуриши лозим.

Сув нафақат моддий неъматлар асоси, балки маънавий бир неъмат ҳамдир. У қалимдан шу қадар эъзозли бўлганки, кимнингдир қўлидан сув ичган киши, ўша оламнинг азиз меҳмони саналган.

Аллома Ҳусайн воиз Кошифий ҳикоя қиладилар:

Муъин ибн Зойид номли ҳакимнинг душманларидан уч юз кишини асир қилиб, унинг ҳузурига келтирдилар.

Муъин ибн Зойид уларни қатл қилишни истади. Асирлар орасида кичик ёшли бир йигитча ҳам бор эди. У бола ўрнидан туриб:

- Эй ҳаким, мен ташнаман, бир пиёла сув беринг, ташналик ҳолида ўлиб кетмай, - деди. Муъин сув беришни буюрди, бола пиёлани қўлига олиб айтди:

- Ҳамма асирлар ташнадирлар, бу сувни ўзим ичиб уларга бермасам мурувватдан эмас, берсам ўзим ташна ҳолда қоламан. Албатта ҳаммамизни ўлдирасиз, бунга кўзимиз етади, марҳамат қилиб буюринг, ҳамма асирларга сув берсинлар. Ахир ташналик ҳолда ўлмайлик, ўлим тўшагидаги беморга ҳам сув томизиб турадиларку?!

Муъиннинг буйруғи билан ҳамма асирларга сув берилди. Улар сувларини ичиб бўлганларидан кейин бола ўрнидан туриб:

- Эй ҳаким, сувингизни ичиш билан ҳаммамиз меҳмонингиз бўлдик, меҳмонни ўлдириш фазлу карам аҳлининг расми эмасдир, - деди.

Муъин ибн Зойид боланинг бу фасоҳатли сўзидан завқланиб, ҳамма асирларни озод қилди.

Бир пиёла сувнинг қудратини қарангки, у бир неча юз киши умрини сақлаб қолди, бир-бирига душман бўлган икки жамоа ўртасида аҳиллик солди. Бир фаросатли ва зийрак боланинг сув кўп нарсаларга қодир эканлигини билиб қўллаган тадбири бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилишининг олдини олди.

Буюк мусаввир, олим ва донишманд Леонардо да Винчи сайёрамизда энг кўп тарқалган модда - сувни ҳаёт манбаи деб атаганди.

Дарҳақиқат барча жонзотлар асосан сувдан таркиб топган. Бизнинг вужудимизнинг қарийб 70 фоизи сувдан иборат.

Сув каби ҳаво ҳам мавжудликнинг асосини ташкил этувчи унсур ҳисобланади.

Ҳаво деярли барча тирик организмларнинг яшаши учун муҳим манба. Одамлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ҳаводан нафас олмаса яшай олмайди, ҳавосиз беш дақиқадан ортиқ яшаб бўлмайди.

“Авесто”да фуқаролар саломатлиги мамлакат ободончилиги, озиқ-овқатнинг мўл-кўллиги, тоза сув, уй-жойлар етарли бўлиши, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг ривожига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Ер, сув ва ҳавони ифлослантириш қаттиқ гуноҳ ҳисобланади. Бу талабга риоя қилмаганларга қадимда тан жазоси белгиланган. “Ариқларда оққан сув ўз-ўзини тозалаб туради ва фақат оқар сувдан истеъмол қилиш керак”, деб кўрсатилган. Балки, мазкур маслаҳатларни яхши тушунган доно халқимиз кейинчалик “оқаётган сув етти марта думаласа ҳалол ва тоза бўлади”, деган ҳикматни яратгандир.

Халқимизнинг диний эътиқодида ҳам тарихан шаклланган экологик табиатга дуч келамиз.

Бунга мазмуни жуда кенг бўлган “увол” тушунчаси яққол мисол бўла олади. Ҳар қандай моддий неъматлардан исрофгарчилик билан фойдаланиш, табиат ресурслари, ер ости бойликлари, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонот оламини нест-нобуд қилиш увол ва гуноҳ ҳисобланиб келинган.

Бинобарин “увол” тушунчаси тор маънода нон, сув, тузни тежаб-тергаб фойдаланишни ифода этса, кенг маънода табиат бойликларидан, ноз-неъматларидан оқилона фойдаланишни акс эттиради. Чунончи, ислом динида сувни исроф қилиш, мевали дарахтни кесиш, ёввойи ҳайвонларни эҳтиёжсиз нобуд қилиш кабилар гуноҳи азим ҳисобланган.

Тарихда суғориладиган деҳқончилик шароитида суғорув сувларидан оқилона ва адолатли фойдаланишда тўғонбоши ва мироблик лавозимлари тайинланиб, улар катта аҳамиятга эга бўлган. Мироблар назорати хизмати анъанавий равишда яқин-яқинларгача сақланиб ва суғорув сувларини тақсимлаш, тежашда ижобий рол ўйнаган.

Ота-боболаримиз оқар-сув манбаларини ниҳоятда авайлаб асраган. “Сувга тупурма” деган нақл ҳам бежиз айтилмаган.

Яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик ғоялари қадим-қадимдан халқимиз, миллатимиз қон-қонига сингиб кетган, фикрлаш тарзига ўрнашиб қолган.

Чунончи, ерга яхши ният билан уруғ қадаш, ўн минг марта ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзалроқ моҳиятга эга, деб ҳисобланган.

Экин экиш, деҳқончилик қилиш, она заминда мавжуд бўлган турли ёвузликларни ҳайдаш, унинг иллизини қуритишнинг муҳим йўли деб қаралган.

Ким ерга уруғ қадаса, у ўзидаги одамийликнинг даражасини, иймон-эътиқодининг мукаммаллигини намойиш қилади.

Кўриниб турибдики, дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради.

Тоғликларнинг фикрича, бир туп арча битта қудуқ билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди. Гужумнинг афзаллиги шундаки, у ёз саратонида тангадек офтоб нурини ҳам ерга туширмайди, қуюқ соя беради. Қадимда халқимиз ёнғоқни “Луқмон дарахти” деб аташган экан. Олимлар бу дарахтни “Ҳаво корхонаси” деб баҳолашади. Негаки у тоғ минтақаларида нурашнинг олдини олади, микроиқлимни яхшилаб, микробларга қирон келтиради.

Олимларнинг ҳисоблаб чиқишларича, бир гектардаги теракзор 340 килограмм чангни ўзига ютар экан.

Кўпчилигимиз бу дарахтларнинг соғлиғимиз учун кони фойда эканини биламизу, аммо уларни экиб, то дарахтга айлантиргунча меҳр билан парваришлашнинг уддасидан чиқмаймиз. Экология ёмон, атроф-муҳит ифлос, шунинг учун касаллик кўп, дея нолиймиз.

Манбаларда қайд этилишича, қайсидир мамлакатда кимдир оддий чувалчангни шахсий мақсадга кўра тупроқдан ажратиб олса, унга “тупроқнинг табиий ҳолатига дахл қилди” деган айб қўйиб катта жарима тўлашга мажбур қилишар экан. Ёхуд бирорта кўп йиллик гиёҳни таг-томири билан олган кишига худди шундай гиёҳдан яна эллик туп кўпайтириб бериш мажбурияти юкланар экан.

Хўш бизда ҳам шундай масъулиятлилик мавжудми? Кўклам чоғи тоғ ҳавосини мириқиб симарамизу, сўнг у ердан лолаларни илдизи билан суғуриб шаҳарга қайтамиз. Гўёки келаси йил бизга гул керак эмасдек.

Президентимиз “Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишига суянгандагина қудратли кучга айланади”, деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Шу Ватан барчамизники бўлганлиги сингари ана шу Ватаннинг олтин тупроғи ҳам ҳаммамизнинг ризқу рўзимиз, тинч-тотувлигимиз асоси бўлмоғи керак. Тупроқни севиш, авайлаш, уни ардоқлаш ҳар бир фуқаронинг имон ишига айланмоғи лозим.

Расул РАҲМОНОВ, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Самин РАҲИМОВ, республика “Маҳалла” жамғармаси “Маҳалла зиёси” ўқув-услубий маркази директори.

РАҒБАТЛАНТИРИШ — СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИ

Маълумки, Президентимиз Фармонига асосан республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарманинг асосий мақсади жисмоний ва маънавий жиҳатдан шаклланган авлодни тарбиялаш, болалар орасидан истеъдодли, юқори малакали спортчиларни тайёрлашдан иборатдир.

Ёшларимиз ўртасида иқтидорли болалар жуда кўп. Кейинги 2-3 йил ичида бир қанча ёшлар ҳатто жаҳон миқёсида юқори ўринларни эгаллаб, нимага қодир эканликларини намойиш этдилар. Айниқса 2002 йил ноябр ойида Панамада бўлиб ўтган Самбо кураши бўйича жаҳон чемпионатида Республикамиз шарафини ҳимоя қилган икки самбочимиз Шавкат Жўраев биринчи ўринни, Акобир Курбонов иккинчи ўринни эгаллади. Спортдаги 45 йиллик тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, ёшларимизнинг спорт соҳасидаги келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Яна бир мулоҳаза. Маълумки, ҳар қандай мусобақадан кейин ғолибларга албатта мукофот тақдим этилади. Бу ўзига хос рағбат усулидир. Бу усул амалда ўз навбатида болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Буни спортни оммавий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири десак ҳам хато қилмаймиз.

Биз мазкур соҳа вакиллари билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Очиловнинг айтишига қараганда, болаларда спортга меҳр уйғотиш, жисмоний камолга етказиш учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш асосий вазифалар сирасига киради. Президентимизнинг Фармони олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда катта имкониятлар туғдиради. Шундай экан, биз ундан самарали фойдаланишимиз керак бўлади.

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг маслаҳатчиси Эркин Ғиёсов эса республикамиз ҳудудида 549 спорт мактаби бўлиб, уларда 260 минг нафар ўғил-қиз шуғулланаётганини таъкидлади. 2 мингдан зиёд мактаб спорт заллари улар ихтиёрида. Ҳозирги асосий вазифалардан бири ишлаб турган спорт мактабларини замонавий спорт анжомлари билан таъминлаб, қўшимча замонавий спорт мажмуаларини барпо этишдан иборатдир. Спорт мактабларини ўз спорт йўналишлари бўйича малакали ўқитувчилар билан таъминлаш ҳам асосий масалалардан биридир, деди. Тошкент шаҳар Самбо кураш федерациясининг раҳбарларидан бири “Шуҳрат” медали нишонлари, спорт устаси Ҳамет Тошхўжаев - бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан ёшларимиз ўртасида спортга бўлган қизиқиш кучаяётгани хусусида тўхталди.

- Маҳалламизда спорт билан шуғулланадиган иқтидорли болалар жуда кўп,- дейди Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Тахтапул маҳалласи оқсоқоли Азиз Абдуллаев. - Аммо улар машқ қилишлари учун зарур спорт зали ёки майдончаси йўқ. Маҳаллалар ихтиёрида катта маблағ бўлмаганлиги сабабли, болаларни спортга жалб қилиш иши бир қадар қийин кечмоқда. Президентимизнинг ўзлари болалар спортини ривожлантиришга бош-қош бўлаётганлари бизни янада умидлантирмоқда. Бу келажакда болаларимизнинг спортга бўлган қизиқишларига кенг йўл очиб беради, - деб ўйлаймиз.

Республикамизда болалар спортини ривожлантириш барчамизнинг масъулиятимизни ошириб, келажак ёш авлодларимизни соғлом, бақувват, Ватанга меҳр билан тарбиялаш, уларга бу ишларда амалий ёрдам беришга ундайди.

Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ.

«Маҳалла» ходимлари ҳақида ҳикоялар

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Сербиниёз Термиз шаҳар касб-ҳунар коллежи жамоасининг эътиборини қозонгач, касаба уюшма қўмитасига раис этиб сайланди. Орадан кўп ўтмай уни шаҳар ҳокимлигига чақириб қолишди.

- Сизни, - деди ҳоким ўринбосари, - Темир йўлчилар маҳалла йиғини раислигига тавсия этишяпти. Албатта, ким дерсиз! Мен эмас. Маҳалла аҳли. Кеча ҳоким ҳузурига ўндан ортиқ маҳалла фаоллари ташриф буюрди. Раисимиз ишни эплай олмади, ишончимизни оқламади, фақат Сербиниёз Рўзиевагина бу ишга қодир. Ўзи ёш бўлса ҳам, кўпга бош бўлаолади, дейишди. Бу катта ишонч. Сизнинг фикрингизни билишни истардик. Хўш, нима дейсиз?

- Қайдам. Коллежда ишим бинойидек бўлса... - ўйчан жавоб берди Рўзиева.

- Ахир, беш мингдан ортиқ маҳалладошларингизнинг назари сизга тушган. Уларнинг хизматини қилинг, кам бўлмайсиз.

Ҳа, Рўзиева зиммасига юксак масъулият тушди. У ўз тақдирини маҳалла одамлари тақдири билан боғлади. Уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлди. Ишга астойдил шўнғиб кетди. Вақт билан ҳисоблашмади. Уйма-уй юрди. Фуқароларга сирдош бўлди. Уларнинг қалбига қулоқ тутди, дарду ҳасратларини эринмай тинглади.

Маҳаллани газлаштириш — унинг олдида турган бош вазифа эди. Ана шу мақсад йўлида елиб-югурди. Шаҳар ҳокимини ҳам, вилоят газлаштириш идораси раҳбарларини ҳам ҳоли-жонига қўймади. Ҳаракатдан баракат, деганларидек, маҳалладаги бир минг икки юздан ортиқ оиланинг мушкули осон бўлди. Хонадонларни газлаштириш 9 ойда якунланди. Маҳалла раисининг самарали меҳнатига ҳам юксак баҳо берилди. У Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Маҳаллани тоза ичимлик сув билан таъминлаш, муаммоси ҳам олти ойда ечим топди. Хонадонлар телефонлаштирилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Маҳалла обод бўлди. Кўркам хиёбонлар вужудга келди.

Ана шундай кунларнинг бирида Сербиниёзга яна бир ишонч билдирилди. У “Маҳалла” хайрия жамғармасиинг Термиз шаҳар бўлинмасига раис этиб сайланди. Бу бежиз эмас эди. Негаки, маҳалла йиғинларига эътибор кучайган, вазифаларининг кўлами кенгайган бир пайтда уларнинг ишини мувофиқлаштириб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди-да. Сербиниёз Рўзиева эса биринчидан олий маълумотли, маҳалла фуқаролари йиғинига раислик қилиб, катта тажрибага эга бўлди. Иккинчидан, айтган сўзининг уддасидан чиқадиган қатъиятли аёл.

Сербиниёз опа енг шимариб ишга киришганида маҳалла йиғинлари сони бор-йўғи 19 та эди. Шаҳар эса катта. Аҳолиси 130 минг киши. Улар орасида ташкилий-тарбиявий, оммавий ишларни йўлга қўйишда қийинчилик туғиларди. Оқсоқоллар маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларга фуқароларни кенг жалб қилолмасди. Шу сабабли маҳаллалар ихчамлаштирилди. Яна ўн битта маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни “Маҳаллалар куни”, деб белгиланди. Раислар оқсоқоллар кенгашида йиғиладиган, ўзаро фикр алмашадиган, бир ҳафталик ишга якун ясаб, навбатдаги вазифаларни белгилаб оладиган бўлишди.

Барча маҳаллалар идора билан таъминланди, шинам қилиб жиҳозланди, телефон ўрнатилди. Оммавий ҳашарларда катта-ю, кичик кўчага чиқади. Ариқ қазийди, кўчат ўтқазади. Хиёбонларни тозалайди, дарахтларга шакл беради. С.Рўзиева эса иш бошида туради.

Ўтган йили кам таъминланган оилалар 250 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳайит ва байрам кунлари 1170 хонадонга ун, ёғ, гуруч, қанд-қурс, кийим-кечаклардан иборат совға-саломлар улашилди. 31 ўғил болани суннат қилишга бағишланган катта тўй ўтказилди. Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров тўйга файз киритди. Халқ банкида ҳар бир бола номига алоҳида-алоҳида омонат дафтарча очилди, узоқ муддатли омонатга 5000 сўмдан пул қўйилди. Опа жамғармага раис бўлгандан буён суннат қилинган ўғил болаларнинг сони 110 нафардан ошди.

Термиз маҳаллаларида бундай хайрли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Унинг сарф-харажати газ, электр энергияси, сув, чиқиндиларни тозалаб олиш тушумларни йиғишдан қоладиган маблағдан сарфланади. “Ибратли маҳалла”, “Энг ораста хонадон”, “Намунали оила” каби қатор кўрик танловларни ва оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш ҳам ана шу маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Шаҳарда “Оқсоқол” номини улуғлаб келаётган маҳалла раислари анчагина. С.Рўзиева Дўстлик, Шодлик, Жойжангал, Юлдуз маҳалла йиғинлари раислари - Баҳодир Ҳайитов, Саидқул Саидқулов, Жамила Қосимова, Ҳайит Зиёдовларнинг номини фахр билан тилга олди. Улар Термизнинг ободончилигига муносиб улуш қўшаётганликларидан миннатдор эканлигини айтди.

2003 йил - Обод маҳалла йилида “Маҳалла” жамғармаси шаҳар бўлимининг амалга оширадиган ишлари жуда кўп. Унинг ижросига ҳозирданоқ қизғин киришилган. Қайси бир маҳаллада бўлманг, кўчат ўтказиш, кўкаламзорлаштириш, тозалик ва озодалик ишлари жадал бораётганлигининг устидан чиқасиз.

- Энг муҳими, - дейди Сербиниёз опа Рўзиева, - шаҳар тинч, осойишта ҳаёт давом этяпти. Кўнгилсиз воқеаларнинг олди олиняпти, содир этилишига йўл қўйилмаяпти. Негаки, маҳалла посбонлари ҳушёр. Милиция таянч пунктининг нозирлари билан бақамти тарбиявий ишлар олиб боришяпти. Шубҳали кишиларнинг шахси тезда аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти. Шаҳарда бу ишга юздан ортиқ маҳалла посбони жалб этилган. Улар “Ўз уйингни ўзинг асра” шиорига қатъий амал қилишяпти.

Айтгандай, Сербиниёз опа ҳавас қилса арзийдиган оила бекаси. Тепловоз машинисти Тошпўлат Рўзиев унинг турмуш ўртоғи. Улар тотув ҳаёт кечириб, бир ўғил, икки қизни вояга етказишди. Уларнинг бугунги камолидан С.Рўзиева ўзида йўқ хурсанд.

Омон ШУКУРОВ, “Mahalla” мухбири.

Ёшлар беллашуви

Яқинда Тошкент Ислом университетида кураш бўйича талабалар ўртасида икки вазн бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Университетнинг ҳамма қулайликларига эга, халқаро мусобақаларни ўтказиш учун мўлжалланган махсус тўшама - татами ўрнатилган спорт залида ўтган кураш жуда қизғин ва қизиқарли тарзда ўтди.

ЎЗБЕК КУРАШИДА БАҒРИКЕНГЛИК БОР

- Ушбу мусобақадан кўзланган мақсад, ўзбек курашининг университетимиз талабалари ўртасида янада оммавийлаштириш ва шаҳар, республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда университетимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёш полвонларимиздан терма жамоани аниқлаш эди, - деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, университет катта ўқитувчиси Шоанвар Исмоилов. - Ҳозирги пайтда университетимиздаги кураш секциясида 60 дан зиёд талаба ёшларимиз шуғулланишмоқда. Ўзбек кураши секциясини ташкил этиш, уни керакли анжомлар билан таъминлашга университетимиз раҳбарияти катта эътибор қаратмоқда. Ушбу мусобақа ҳам бу эътиборнинг бир намунасидир.

Мухбиримиз

● Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

ОТАМНИНГ БАҒРИГА БУТУН ЮРТ СИҒАР ЭДИ

Олмос ҒУЛОМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

- Олмос опа! Умуман, ёзувчи аҳлининг ўз шахсий ташвишлари бўладими? Нима учун ёзувчи доим халқ манфаатини кўзлаб, куйиб-пишиб юради?

- Ўйлатадиган савол бердингиз... Ўзим ҳам мана шу масала ҳақида доим бош қотираман. Ёзувчи доим Ватан, халқ, миллат ҳақида қайғуриб, азият чекиб юради. Ўз хонадони, ўз манфаатини доим ҳам ўйлайвермайди. Ўзбек халқининг фахри бўлмиш "Ўтган кунлар" романининг муаллифи, ҳаммамизнинг ҳам устозимиз Абдулла Қодирий роман охирида Отабек русларга қарши курашда вафот этди, ундан биргина ўғил - Ёдгорбекдан икки ўғил қолди, дегани учун қатл этилган эди. Бундай қарағанда, Ватан, миллат манфаати учун ёвга қарши кураш табиий ҳол. Ҳатто оддий қушлар ўз уялари учун, жониворлар ўз инлари учун курашадилар. Бу ҳам Яратганнинг инояти. Демоқчиманки, ёзувчи доим ўзгалар манфаатини ўйлар экан, уни ҳимоя қилиш ҳам ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Назаримда ёзувчилар, шоирлар, аввало, Яратганнинг инояти. Яратган иноят этмаса, шоир ҳам, ёзувчи ҳам, рассом ҳам, созанда ҳам туғилмайди. Туғилдими, демак у Яратганнинг диққат-эътиборида туради. Ҳазрат Навоий Яратганга муножот қилиб: "Барча гўзалликни инсон учун яратдинг", - дейди. Демак, Аллоҳ инсон йўлида яратилган гўзалликни ифодалаш, тасвирлаш учун иқтидорли кишиларни дунёга келтирди. Ахир Илоҳ томонидан яратилган мана шу бекиёс, бетакрор гўзалликни юзага чиқариш ва уни абадул-абад тарих саҳифасига муҳрлаш учун ҳам иқтидорли кишиларни яратиш зарурияти туғилар эди-да?! Адабиёт яралмаса, мусиқа яралмаса, рассомлик санъати асарлари яралмаса, бу дунё нақадар зерикарли бўлур эди. Адабиёт дунёсининг ўзи бир гўзаллик...

Мен ўзим гувоҳ бўлган адабий муҳит ҳақида отам тавалludининг 100 йиллиги арафасида ҳурматли китобхонлар билан озгина мулоқотда бўлиш ниятидаман. Отам билан бирга кечирган давримни, яъни ўша адабий муҳитга ҳалиҳануз тўймасман, унга ичикаман. Ўша даврда, ўша муҳитда қандайдир бир сирли-сеҳрли аъмол мавжуд эди. Уйимизга Етим Бобожон, Сайфий, Уйғун, Ҳабибий, Собир Абдулла, Маҳжурий, Боқий каби шоирлар, режиссёрлар, маҳсидўзлар, этикдўзлар, аптекачилар қаторида юзлаб оддий меҳнаткашлар, турли вилоятлардан меҳмонлар ташриф буюрардилар. Шоир ва ёзувчилар, рассомлар, созандалар ижод муаммолари бўйича, гоҳо эса шунчаки санъат ҳақида гаплашиш, унга доир баъзи бир масалаларни ҳал қилиш, кўпроқ эса суҳбатлашиш учун йиғилишар эдилар.

Яхши эслайман: Ҳабибий, Собир Абдулла баъзан эрталабдан уйимизга келишарди, нонуштани шу ерда - бизникида қилишарди. У пайтлар уйимизга чет эллардан тухум порошогидан келар эди. Раҳматли аям эрталаб шоир ва ёзувчи меҳмонларга ўша тухум унини сувга қориб сариёғга қовуриб берардилар. Мазкур таом меҳмонларимиз учун бағоят севимли саналарди. Мен буни мақтаниш учун айтмоқчи эмасман. Хонадонимиз ўша кезлари ўта гавжум бўлиб, суҳбат аҳли дунёвий илм ва маърифат, адабиёт, айниқса, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Деҳлавий, Ҳофиз, Машраб, Нодира каби улуғ шоир ва шоираларимиз, уларнинг улуғлиги ҳақида бири қўйиб, иккинчиси гапирар, мен эса эшик ортида қулоғимни ичкарига пинҳона ўнглаб, фақат суҳбат тинглардим. Мен учун қутилмаган ва фавқулодда бир илоҳий жараён кечарди, шоирга фарзанд бўлганим ва шундай улуғ давранинг суҳбатидан баҳраманд эканлигимдан ўзимни бахтиёр сезардим, улуғ таассуротлар билан кунларимни кечирардим. Оҳ, қани у илоҳий дамлар?!

Етим Бобожоннинг уйимизга ташриф буюриши, унинг отам билан "Отелло" спектакли ҳақида уюштирган суҳбатлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради. Минг афсуслар бўлсинким, ўша аснодаги суҳбатлар ёзиб олинмаган ва биз, ўйлаб қарасам, кўп инсоний хотираларни бой берган эканмиз.

Шайхзода домланинг уйимизга келиши байрамга айланиб кетарди. Шайхзода қомусий илм соҳиби бўлиб, отам билан фақат дунёвий илм, адабиёт, санъат ҳақида гаплашар эдилар. Бундан ташқари, уйимизга бошқа юртлардан ҳам тинимсиз равишда миллат вакиллари ташриф буюриб турардилар. Уруш даврида барча рус ёзувчилари Тошкентга келганларида, албатта, уйимизда меҳмон бўлишар, бизникида бир неча кун қолиб кетишарди.

Отамнинг ўша кезлари, Гидир деган ерда Қичқирик бўйида боғи бўлган, ўша боққа ҳам узлуксиз равишда меҳмонлар келиб туришарди. У ерда А.Толстой ҳам меҳмон бўлганини биламан. Ўйлаб кўрсам, отам қизиқ табиатли одам бўлгандай кўринадилар. Масалан, уйимизга турли вилоятлардан мактаб болалари, ёш қизлар хат йўллашарди. Ҳатто улар "Китоблар юборинг", - деб хат ёзишса ҳам отам эринмай, ўша болаларга почта орқали китоб юборардилар. Мирғиёс исмли бола Тошкентдан туриб: "Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак" номли китобни ўқиб бўлдим, бошқасини юборинг", - деганида ҳам унинг илтимосини бажарганлар. Бир аскар: "Яхши кўрган Алима исмли қизимга шеър ёзиб беринг", - деб отамга хат ёзса, у киши ўша йигитнинг севган қизига атаб шеър ёзиб юборганлар. Марғилондан Юнусова Ҳошия исмли қиз: "Мени ишга киргизиб қўйинг", - деб ёзса, бошқа бири уйи йўқлигидан шикоят қилар эди. Бироқ отам уларнинг ҳаммасини ҳам эътиборсиз қолдирмасдилар. Отам ёшларни ўқишга киритиш, ўқишдан кейин яна уларни ишга жойлаштиришга ҳам ёрдамлашардилар. Ҳа, отамнинг бағри кенг эди. Уйимизга ғижжакчилар, дуторчилар, хонандалар келишиб, хонадонимизга ташриф буюрган ижод аҳлига ажойиб куйлар чалиб хониш қилиб беришарди.

- Назаримда, улуғ, иқтидорли кишиларнинг ҳаммаси ҳам илтифотли бўладилар шекилли.

- Шундай бўлиши керак ҳам. Иқтидорли одамнинг илтифотсиз бўлишини инсон кўз олдига келтириши мумкин бўлмагандек, ҳақиқий ижодкорнинг сийрати билан сурати икки хил бўлишини тасаввур қилиш қийин. Ҳазрат Навоий шеъриятининг нечоғли улуғ бўлиши билан бирга, унинг табиати ҳам худди шундай улуғ. Дунёдаги шоирларнинг камтари ҳам, тенгсизи ҳам, шеъриятнинг юксаги ҳам ҳазрат Навоий дейишади. Ул зот, айтишларича, ҳамма пулларига масжидлар, мадрасалар, кўприклар қурдирганлар, каналлар қаздирганлар. Бир гал қайсидир вилоятда халқ шоҳга қарши исён қилиб, ғалла талаб этганларида Навоий шахсий хазинасидан уларга маблағ тўлайдилар.

Демоқчиманки, ижодкорлар ўз олижанобликлари билан бир-бирларига ўхшаб кетадилар. Отам "Бароқхон", "Тиллашайх" мадрасаларига муттасил моддий ёрдам қилиб турардилар. Қорасарой маҳалласидаги уйларини доимий равишда одамларга бериб қўйгандилар. Ўша уйимизда Ҳабибий, бироз муддат Саида опа, Муйинзода каби шоирлар истиқомат қилишган. Уйимизда шоирлар илк бор Қуръони Каримнинг тафсирини ўқиб, эшитиб, таъсирланиб ҳатто кўзларига ёш келганини кўрганман. Отам Ўзбекистон ва собиқ иттифоқ олий советларига депутат бўлиб сайланган кезлари ҳам унинг халқ талабини қондириб, кўприк ва боғча, мактаб қурилишларига ёрдам қилганларига ўзим гувоҳман.

Бугунги кунга келиб ёзувчиларнинг китобхонлар билан учрашувлари бирозгина сусайди. Буни қайтадан тиклаш, анъанага айлантириш керак. Одам шундай учрашувларни, суҳбатларни қўмсар экан. Ҳар бир шоир, ёзувчи, рассом, созанда ўзича алоҳида бир дунё экан. Ҳар бири одамни ўзича мафтун этар экан... Отамнинг 100 йиллик тўйлари кунларида бундай учрашувлар давом этишини истаб қоламан.

- Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Ўктам ҲАҚИМАЛИ.
Суратда: Ғафур Ғулом қизи Олмосхон билан. 1956 йил.

Тошкент шаҳри

● Умр мазмуни

ЛОЙИҲА ИШ БОШЛАДИ

Мирзо Улуғбек тумани 8-Бўз маҳалласи учун ҳам Обод маҳалла йили янада сермазмун келди. Маҳалла Очиқ жамият институти эълон қилган лойиҳа кўригининг ғолиби сифатида грант соҳиби бўлди.

Лойиҳа номи "8-Бўз маҳалласида фаолият кўрсатаётган уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш"да деб аталиши айниқса, маҳалла аҳлини янада мамнун этди. Зотан маҳалла, мазкур турдаги ширкат ва аҳоли ўртасидаги бугунги муаммолар кўпчиликнинг эътиборидаги масалалар эди.

Шундай қилиб грант ишининг дастлабки йўналиши сифатида маҳалла идораси замонавий техника, хусусан, компьютер жамланмаси билан таъминланди.

- Лойиҳанинг асосий мақсади, - дейди лойиҳа директори Султонпошша Бобожонова, - маҳалланинг кўп қаватли уйларида яшовчи аҳолининг уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини англаб етиши, унинг фаол қатнашчисига айланишига эришишдир. Шу мақсадда аҳоли вакиллари билан ўн марта илмий-амалий семинар ўтказилади.

Яқинда Лойиҳа дастури бўйича дастлабки семинар бўлиб ўтди. Унда шу йўналишдаги мутасаддилар, мутахассислар маърузаси тингланди.

- Дастлабки семинардаёқ маҳалладошларимиз бу борада ҳали кўп нарсани билиши зарурлиги аён бўлди, - дейди маҳалла оқсоқоли Нуриддин Умаров. - Бунинг учун Лойиҳанинг қолган семинарлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мухбиримиз.

Маҳалла измида 42 йил

У шунча йилдан буён маҳалла оқсоқоли

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимиз иқтисодиёти ўзига хос ривож топяпти, халқимиз кўпдан бери орзу қилиб келган эзгу ниятларига эришмоқда.

Шу билан бирга маърифат ва маънавият соҳасида ҳам, ўзбекона удумларимизни тиклашда ҳам олға силжиш юз бермоқда. Бу ишда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўзўзини бошқарувнинг маҳалла шакли муҳим аҳамиятга эга. Удумларимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш ва уни ёшлар онгига сингдиришда республикамиздаги кўплаб маҳаллалар ҳамда унинг раислари бой тажрибага эга.

Жамоатчи мухбиримиз Тошкентдаги Дўмбиробод маҳалласи фуқаролар йиғинига 42 йилдан ортиқ раислик қилиб келаётган Усмон ҳожи АБДУЛЛАЕВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

- Кейинги вақтда тўй ва турли маъракалар қаҳвахона, ресторанларда ўтказиляпти. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

- Менимча, тўй дегани хонадонда бўлгани яхши. Шунда уйга барака киради. Тўй уйда бўлса ёшлар хизмат қилади. Бола-чақанинг ошга оғзи тегади. Ортиб қолган овқат исроф бўлмайди. Қўни-қўшнига улашилади. Бемор бўлиб ётганлар ҳолидан хабар олинади.

Катта қозоннинг оши дармон-дори бўлиши ҳақидаги гапда жон бор. Мен шу ўринда бир ривоятни келтирмоқчиман. Аслида паловни Ибн Сино бобомиз дори учун буюрган экан. Бир киши жуда тинкаси қуриб, ҳолдан тойиб буюк табибнинг ҳузурига борибди ва ўз соғлигидан шикоятини айтибди. Табиб унга паловни тайёрлаш усулларини берибди ва қандай қилиб тайёрлашни тушунтириб, ўн кун шу дори-таом (палов)ни эрталаб наҳорга ейишни буюрибди. У кишида бундай таомнинг масаллиғи йўқ экан. Ўйлаб-ўйлаб маҳалласидаги бир бойнинг ҳузурига бориб: «Бой ота, шу масаллиқни берсангиз, бунинг эвазига-ҳар қандай юмушингизни бажараман», - дебди. Бой унга: «Майли мен сенга бу масаллиқни бераман, сен менинг ишимни қилиб бериш ўрнига ўша дори-таомингдан бир товоқ берсанг розиман», - дебди. Ушбу таом Бой бувага жуда ёқибди. Беморга ўн кунга етадиган масаллиқни бериб, паловни биргалашиб тайёрлаб, баҳам кўришибди. Кейин бой ўша бемор киши билан каттароқ қозонда палов тайёрлаб, маҳалласидаги бева-бечораларга бериб, савобли иш қилибди. Кейинчалик бу таомни эҳсонда, тўй-маъракаларда дастурхонга тортиш расм бўлиб кетган экан. Тўй ва маъраканинг хонадонда бўлиши шунинг учун ҳам керакки, одамлар тўйга бир-бири билан дийдор кўришиш учун боришади. Тўйда ёшлар узоқ-яқин қариндошларини таниб олади, шундан кейин борди-келди аримайди. Уйда ўтказилган тўй тарбия мактаби ҳамдир. Чунки, ёшлар бу йиғинларда одоб, муомала маданиятини ўрганади. Кейинги вақтда бизда тўй-маъракалар нисбатан ихчам ва ҳар кимнинг ўз уйида, бамаслаҳат ўтмоқда. Бу яхши албатта.

- Дўмбирободликларнинг аҳиллиги, бирбирини қадрлаши, бировнинг ҳақини емаслиги ҳақида кўп эшитганман.

- Бу - азалий одат. Мен буни ёшлигимдан биламан. Масалан, баҳорги ёнгичарчилик даврида кишилар кўчада кетаётиб, бировнинг эшиги олдига ёки экинига сув тошганини кўрса (у пайтда қишлоқ эди), ўша хонадондан кетмон олиб, тошган сувни тўғрилаб, кетмонни ювиб, жойига қўйиб кетарди. Кўчадан ўтаётиб: бировнинг тути, ўриги ёки бошқа меваси тўкилганини кўриб, кўнгли тусаб, ундан еса: «Ҳой фалончи, ўригингдан едим, рози бўл» деб айтарди.

Муҳими, уларнинг яхши одатлари, аҳиллиги катта ҳашарларда намоён бўлади. «Маҳаллада ҳашар» дейилса етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммалари чиқишарди. Бундан роса 45 йил аввал Дўмбиробод қишлоғи негизида бизнинг маҳалла ташкил бўлди. Ўша пайтда қишлоқ чойхонаси мавжуд эди-ю, лекин маҳалла фаоллари йиғиладиган жой йўқ эди. Маҳалла аҳлининг ўзига хос одати - ҳашар йўли билан катта чойхона - клуб, фуқаролар фаолларининг йиғини учун идора қурилди. Чойхона-клубнинг ҳовлисида мевали дарахтлар ўстирилди. Бир томонида ошхона, новвойхона ишга туширилди.

Маҳалладаги йиғилишлар ҳаво очиқ бўлганида салқин ҳовлида, қишда эса, ичкарида ўтказилади. Чойхона ёнидаги Ширин ариғидан зилол сув оқиб турибди. Маҳалламизда ҳашар йўли билан истироҳат боғи барпо этилган.

- Сиз Чилонзор туманида энг кекса маҳалла раисисиз ва бу ишда 42 йилдан ортиқ тажрибангиз бор... Шунча вақт бир маҳаллада оқсоқол бўлиш... буни ўзига хос рекорд деса ҳам бўлади.

- Мен бу билан фахрланаман.

- Маҳаллангизда ободонлаштириш ишлари қандай кетмоқда?

- Ҳозир маҳалламиз аҳолисининг кўпчилиги уйларини бузиб тузатишяпти, қайта қуриш қилишяпти. Буни яхши анъана деса бўлади. Ҳар ким ўз уйини, ўзининг яшаш шароитини яхшиласа бу маҳалланинг ободончилигига қўшган ҳиссаси бўлади. Ёммо кўчани сим тўсиқлар билан ўраб олиш, ўзлаштириш гуноҳи азим, чунки, кўча бир кишиники эмас, кўпчиликники.

- Маҳалангиз номи ҳақида тушунча бериб ўтсангиз.

- Қадимда бу жойлар шип-шийдон, дала, яйлов жойлар бўлган. Қонқус анҳори, Ширин ва Дархон ариқлари шу жойлардан ўтган. Дастлаб шу жойга келганлардан бири Мирсалим исмли қассоб бўлиб, у дарахт экиб чойхона очиб, ҳудудни обод қилишни бошлаган. У киши қувноқ ва қорни дўмбирадек катта бўлгани учун унинг лақаби «Мирсалим дўмбира» бўлиб, бу ерда барпо этилган қишлоқни халқ «Дўмбиробод» деб атаган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» деган ҳикоясида Дўмбиробод номи тилга олинган. Шунга асосланиб айтадиган бўлсак, бу жойнинг Дўмбиробод номини олиши ўтган асрнинг бошларига тўғри келади.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

Фарғона вилояти

● Танлов волиблари

ТАДБИРКОРЛАР КАСБ МАҲОРАТИ СИНОВДАН ЎТДИ

Қадимдан тадбиркорлар ва ҳунармандлар юрти бўлган Фарғона вилоятида бу соҳани ривожлантиришга йилдан-йилга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича етиштирилаётган янги маҳсулотнинг 39,6 фоизи 42 минг ишчи ўрни яратган мулкдорлар синфи - хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили жами етиштирилган пахтанинг 30 фоиздан кўпроғини фермерлар етиштириб берди.

Яқинда вилоят ҳокимининг қарорига асосан хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати ҳамда билим даражасини ошириш, маҳсулот рекламасини ташкил этиш мақсадида "Ташаббус-2003" вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Унда шаҳар ва туманларда ўтказилган биринчи босқич кўрик-танловларининг "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши ҳунарманд", "Энг яхши фермер" йўналишлари бўйича ғолиблар қатнашди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса, кўргазмага қўйилди.

Танлов ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан "Энг яхши тадбиркор" учун таъсис этилган соврин ва биринчи ўринни Қирғули туманидаги "Мўминжон" савдо ишлаб чиқариш корхонаси директори Халилжон Қаландаров эгаллади. "Энг яхши ҳунарманд" номини қўқонлик наққош уста Абдуғани Абдуллаев қўлга киритди. "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича эса Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров ғолиб деб топилди. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғолибларни вилоят ҳокимининг ўринбосари, "Ташаббус-2003" кўрик-танлови вилоят босқичи ташкилий қўмитасининг раиси Акрамжон Иноятов, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатаси раиси Баҳодиржон Дадажонов ва бошқалар табриклашди.

Ғолиблар "Ташаббус-2003" кўрик-танловининг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ЮРТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Қарши шаҳридаги Нуқрабод қишлоқ фуқаролар йиғинига бир неча йилдирки Омон СУВОНҚУЛОВ раҳбарлик қилиб келади.

7та қишлоқда 14 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳудудда жойлашган маҳаллалар барча кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Суратда: Оқсоқол Эргаш Тувлишов ва меҳнат фахрийси Раҳмат Сувонов.

Навоий вилояти

ЗУҲРАХОН ОПАНИНГ ИШЛАРИ

Зуҳрахоннинг маҳаллада раҳбар бўлиб ишлаганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг ташкилотчилиги, жон куйдириб елиб-югуриши тез орада бу аёлни элга танитди. Шу боис Хатирчи туманидаги С.Раҳимов номли маҳаллада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биз қуйида ана шундай ишлардан икки шингилгина ҳикоя қилмоқчимиз.

Маҳалланинг олдинги биноси бошқа жойга кўчгач ҳувуллаб қолганди. Бу бинони ўз ҳолига ташлаб қўйиш инсофдан бўлмас. Кўбай бобо Мажидов, Нуриддин бобо Турдиев, Ғани бобо Ғаффоров ҳамда Муродулла бобо Зиёдуллаевлар ўзаро келишиб, бу ерни ўзига хос ҳордиқ масканига айлантиришга аҳд қилдилар. Бировнинг чекига кўрпача, яна кимнингдир чекига гилам тушди. Стол-стул ҳам топилди. Хуллас, шу тариқа бу ер обод жойга - кексаларнинг дам олиш масканига айланди. Дид билан безатилган бу хонани "Дам олиш хонаси" дейдиган бўлишди. Отахонлар фақатгина уйларидан олиб келишган нарсалар билан чекланишмади. Нимаики зарур бўлса ёнларидан харажат қилишди.

- Ҳозир у ерда бўлсангиз чой баҳона гурунг қилиб ўтирган дилкаш отахонларни учратасиз. Уларнинг зерикмасликлари учун шахмат-шашка ташкил қилдик, - дейди йиғин раиси З.Олтинова.

Қоплонтепа энди тепа эмас

У раҳбар бўлган маҳаллада ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилаётгани боис кўпчиликнинг назарига тушмоқда. "Аёл боши билан бало чиқди бу Зуҳра" дегувчилар ҳам топилди. Нимаям дердик, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

Маҳалла аҳли кўчанинг кўнгилдагидек эмаслигидан нолиб келишарди. Бу камчиликни раиса ҳам яхши биларди ва уни бартараф этиш чорасини кўриш учун ўзича режа ҳам тузиб қўйганди. Шунга кўра, дастлаб туман ва шаҳар ҳокимликларига учраб, уларга бу муаммони етказди. Иш ҳашар йўли билан амалга ошадиган бўлди.

Бу ишга туман коммунал хўжалиги идораси раҳбари Рустам Қурбонов ҳам бош қўшди. У кишининг беминнат ёрдами туфайли Қоплонтепа мавзесидаги Ш.Рашидов номли кўчага 250 машина шағал тўкилиб, текисланди. Шундай қилиб, мавзе аҳолиси қишда лой, ёзда чанг бўлиб кишининг ғашига тегадиган кўчадан қутулишди.

Яна бир гап. Ҳудудда яшовчилар электр қувватидан кўнгилдагидек фойдалана олмас эдилар. З.Олтинова яна ўз ташкилотчилигини намойиш этди. "Ахир, ўз маҳалламнинг ғамини ўзим емасам бошқа ким ҳам жон куйдиради". Унинг шиори шундай эди.

Демак, бунинг учун тегишли ҳужжатлар зарур. Елиб-югуриб бу муаммони ҳам ниҳоясига етказди. Шу мақсад учун 700 минг сўм пул кўчирилди ва симёғочлар тикланиб, сим тортилди.

Обод маҳалла йилида Зуҳрахон янада кўпроқ хайрли ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
Тоҳир АБДИЕВ.

● Фаолнинг ўрни

Сурхондарё вилояти

ТАШКИЛОТЧИ ТЎЙГА ҲАМ, АЗАГА ҲАМ КЕРАК

* Барчамизнинг борар жойимиз бир бўлгач...

Аксарият одамлар тўйга ҳозирлик кўрадилар, меҳмон кутишга тайёргарлик қилиб қўядилар. Лекин... ўлимга ҳеч ким деярли тайёргарлик кўрмайди. Чунки... ҳеч ким қачон ўлишини билмайди-да. Лекин нима қиласизки, қанчалик аччиқ ва аламли бўлмасин, ҳар бир банда ажал билан рўбарў туришга маҳкумдир.

Ўлим кутилмаганда юз беради ва онлани саросимага солиб, ҳаттоки эсанкиратиб қўяди. Ана шундай пайтларда кўпни кўрган, ташвишли, ғам-ғуссали ҳолларда ҳам аниқ ҳаракат қиладиган қайвони одамларнинг ўрни, қадри билинади. Қарангки, ҳатто шундай пайтларда кўпчилик сайлаб қўйган баъзи маҳалла мутасаддилари ҳам жўялироқ иш қилолмай қоладилар. Чамаси, тўй-маросимларда бемалол кайвонилик қилиб юрадиган бундай одамлар бошга кулфат тушганда калаванинг учини йўқотиб қўйишади.

Жаноза, дафн маросимларида эл ичида аралашиб юрадиган термизлик Чори ҳожи Шоймуродов шундай дейди:

- Кўпчилик маҳалла фаоллари жаноза кунида жўялироқ иш қилолмасдан куймаланиб юришади. Бир қарасангиз, бир-биридан кўркам, қимматбаҳо кийинган одамлар қабристонда салобат тўкиб туришади. Баъзи бирлари эса айланиб қабр тошларини қизиқиб томоша қилишади. Кечирасиз-у, ўзларини шундай тутишадики, худди бу ерга ҳеч қачон «тўрт оёқли чўбин от»да келмайдигандек... Менимча, қабристон оғир сукунат, маъюслик манзили, марҳумнинг сўнгги қароргоҳи. Баъзилар эса учов-тўртов бир бўлиб, нималарнидир гурунг қилиб ўтиришади. Дафнга, қабристонга келган одамлар жиддий кайфиятда бўлсалар, мақсадга мувофиқ келади деб ўйлайман.

Суҳбатдошимиз Шоймуродов ҳақ гапларни ва ўйлаб, мушоҳада қилишга арзийдиган мулоҳаза, таклифларни айтди. Чунки ҳар бир халқ ўзининг удум, таомиллари билан зийнатлидир. Бизнинг деярли барча таомил, маросимларимиз, урф-одатларимиз, урф-одатларимиз маҳаллада кечади.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗОВ.

ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ БИСЁР

Самарқанд вилояти

Афсуски, истеъмолчининг ўзи бундан бехабар

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимлиги қарорининг бажарилиши бўйича Сиёб тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан тумандаги 115 та маҳаллада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч гуруҳлари тузилди.

Таъсис йиғилишларида 400 дан ортиқ маҳалла фаоллари, истеъмолчилар қатнашиб, ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Таянч гуруҳларнинг асосий вазифалари давлат истеъмолчилик сиёсатини аҳоли ўртасида тушунтириш, аҳолининг фикри, муаммолари, таклиф ва иқтиҳоятларини туман жамиятига етказиш, жойларда истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва зарур бўлганда туман жамияти раҳбарини жалб қилишдан иборат. Бу борада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Сиёб тумани бўлими раиси Б.Дўсматов шундай дейди:

- Бугунги кунга келиб биз маълум бир кучга айландик, истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни қонун доирасида ўзимиз ҳимоясини таъминлашдек демократик тамойилларни ўргандик ва ўрганаяпмиз. Олдимизда энг асосий вазифалардан бири, бу - маҳалла, бозор, ширкат, корхона, ташкилотларда таянч гуруҳларимиз мавқеини кучайтиришдан иборат вазифа турибди. Сабаби савдо, умумий овқатланиш, маиший, коммунал, алоқа ва бошқа хизмат турлари - барча-барчаси маҳаллаларда жойлашган. Халқ истеъмол моллларини ишлаб чиқаришда корхоналар, хусусий тадбиркорлар томонидан сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, транспот, алоқа, пуллик тиббий хизмат, туризм, қурилиш-таъмирлаш ишларида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига жавоб бермайдиган ҳоллар тез-тез учраб турибди. Мана шу камчиликларни бартараф этиш учун ҳам таянч гуруҳларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Одил САРМОНОВ,
«Mahalla» мухбири

● Мурувват

ҲАМДАМ - ҲОТАМ

Султонобод савдо ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамиятига Ҳамдамжон Қодиров раис этиб тайинланганига кўп вақт бўлмади. Лекин шунга қарамай жамиятнинг барча дўконлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Унинг яхши бир одати бор. У ҳам бўлса ҳар бир байрамда якка-ёлғиз, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга беминнат ёрдам бериб, элга ҳамдамлигини кўрсатади. Қишлоқда қурилган янги тиббиёт шоҳобчасини тиклашда ҳомийлик қилиб, катта миқдорда молиявий ёрдам кўрсатди. Кўкбулоқ ҳудудимизни сув билан таъминлашда ҳам унинг саховатпешалиги жуда қўл келди. Булардан ташқари Ҳамдамжон яқинда Ҳамза номли маҳалла биносини тубдан қайта таъмирлашни ўз бўйнига олди. Бешта хона таъмирдан чиқарилиб, хоналар мебел ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъмин этилди.

Шу боисдан бўлса керак, қишлоқ аҳли ишбилармон, халқ учун хизматни ўзининг олий бурчи деб билгувчи бу ёш раҳбарни Ҳамдам - Ҳотам, деб ҳурмат қиладилар.

Убайдулло МАМАШОИПОВ,
Қўрғонтепа туманидаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

● Хотира

ЎҚЧИнинг АЛЛОМА ФАРЗАНДИ

Вақт - дарё. Биз эса ана шу дарё ичра гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб бораверамиз. Фақат ўзимизни кашф этиш пайти етгандагина кучли тўлқинларга айланамиз, шиддат билан илгарилаймиз. Ҳатто юксак қояларга сапчиб, уларни забт этмоқчи бўламиз.

Тўлқинларнинг мағрурлиги ва шиддаткорлиги кўнгилларда қанчалар ҳавас уйғотса, бизнинг жасоратимиз ҳам шунчалар тез ўзгалар эътиборига тушади.

Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида ўсиб-улғайган Содиқ Азимов москвалик олим Векслернинг назарига тушганида университетнинг физика-математика факультетини эндигина тугатган, илмга чанқоқ йигит эди. Машҳур олим бу камтарин йигитда ўткир қобилият борлигини фаҳмлайди ва уни Москвадаги П.Лебедев номли физика институтининг аспирантурасига таклиф этади. Содиқ Азимов бир зум ўйлаб қолади. Борса зўр иш бўлардикуя, лекин оилавий аҳволи...

Бу ҳақда унинг хотираларида шундай ёзилган:

«Отам йўқ, онам бетоб, кичик синглим эндигина мактабга чиққан, нима қилиш керак? Бутун бойлигимиз биттагина сигир эди. Мен сигирни сотдим, бор жамғарган пулимни келтириб онамнинг қўлига тутқазар эканман, «Онажон, мен ўқишим керак, уч йил сабр қилинг, умид қиламанки, ҳаммаси яхши бўлади» дедим...»

Шундан сўнг у Москвага - Векслернинг олдига жўнаб кетади. Номзодлик илмий ишини ёқлаб, Тошкентга қайтганидан сўнг ёш олим фанлар Академиясининг физика-техника институтида космик нурлар лабораториясини ташкил этди. 1954 йилда Содиқ Азимовнинг ташаббуси билан Тошкент давлат университети ҳузурида ядро физикаси ва космик нурлар кафедраси очилди. Худди шу йилда профессорлик илмий даражасига эришган ёш олим ўзи очган кафедрага мудир этиб тайинланди. Унинг олий таълим соҳасидаги фаолияти физика фанининг ривожида муҳим омил бўлди. Дунё танийдиган улуғ олимларга шогирд бўлган Содиқ Азимовнинг ўзи ҳам кейинчалик кўплаб ёш олимлардан ўгит ва маслаҳатларини аямади. Унинг саъй-ҳаракати билан 15 нафар фан доктори ва 70 дан зиёд фан номзодлари тайёрланди.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида қурилган улкан «Қуёш» объектини кўпчилик олимлар «Академик Азимовнинг фарзанди» дейишади. Чунки, Содиқ Азимов қуёш энергиясидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишнинг илк ташаббускорларидан бири эди. Бу улкан қурилиш тоғ қоясининг энг юқорисида бунёд этилди!

1962 йилдан Ядро физикаси институтининг директори, 1966 йилдан эса Физика-техника институти раҳбари бўлиб ишлаган Содиқ Азимов умрининг сўнгги кунлари (1988 йил)гача илм келажаги учун қайғурди. Хайрли ишларга қўл урди. Одамларга яхши дўст, ҳамкасбларига меҳрибон мураббий эди у. Баъзан улуғ инсонлар ҳақида гап кетса, кўпчилигимиз унинг ишлари, илмий даражалари ва мукофотлари билан қизиқамиз. Лекин, бу шахс оилада, жамоа орасида қандай фазилатларга эга эди, деган савол хаёлимизгаям келмайди. Мен академик Содиқ Азимовнинг рафиқаси, машҳур олима Раҳима Аминова билан ҳаётлик кезларида суҳбатлашгандим. У ўшанда олимнинг оилада қандай бўлганлиги ҳақида сўзлаб берганди. Раҳима Аминованинг Содиқ Азимов ҳақидаги хотиралари шундай эди:



«Бир куни биллур гулдон синиб қолди. Содиқ Азимович тўртала фарзандини ҳам йиғиб, «Тўғрисини айтинглар, буни ким синдирди? Мен ҳеч кимни жазоламайман» деди. Маълум бўлдики, гулдонни катта ўғлимиз синдирган экан. Отаси ҳақиқатан уни жазоламади. Шундан кейин ҳам болалар гоҳ қимматбаҳо бирор буюмни синдиришса ёки бирор жиҳозни бехосдан бузиб қўйишса, Содиқ Азимович уларни қийнамас, фақат бу ишни ким қилганини рўй-рост айтишларини талаб қиларди. У уйдагина эмас, балки ишда ҳам, атрофдагиларгаям қаттиққўл эди. Аввало ўз-ўзига ўта талабчан бўлган. Шуни айтмоқчиманки, Содиқ Азимов ҳаётда катта мартабаларга эришиб, донгдор кишилар билан яқин бўлишига қарамай, қалбан ҳамиша Ўқчи маҳаллалик камтарин йигитчалигича қолди ва бутун дунёга шу йигит кўзи билан қараб келди...»

Содиқ Азимов Ўзбекистон Республикаси Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Фанлар академиясининг академиги бўлиш баробарида истиқлолимиз курашчиларидан бири ҳам эди. У Ватанни озод ва эркин кўришни орзу қиларди. «Содиқ аканинг бевақт оламдан ўтиши ҳаммамиз учун фожеа бўлди. Бунга «Ўзбеклар иши»ни олиб борган арбоблар сабабчидир» дея ёзади марҳум академик В.Қобулов ҳаётлик чоғларидаги хотираларидан бирида.

Истиқлолимиз арафасида ЎзФАнинг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига Содиқ Азимов номи берилди. Айни вақтда пойтахтимиздаги марказий кўчалардан бири ҳам унинг номи билан аталади. Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларининг бир гуруҳига истиқлолнинг ўн бир йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» ордени берилгани ҳақида Президент Фармони эълон қилинди. Мукофотланганлар қаторида марҳум академик Содиқ Азимовнинг номи ҳам қайд этилган эди...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Байрам муносабати билан меҳмондорчиликдан бошингиз чиқмай қолиши мумкин. Асосий вазифаларни ҳам ёддан чиқармасангиз ўзингизга яхши.

СИГИР(22.0420.05)

Шу кунларда молиявий масалаларни ечишда айниқса эҳтиёткор бўлишни маслаҳат берамиз. Сизни алдашга уринувчилар ҳам топилиб қолади.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Шу кунларда, хусусан, дам олиш кунларида оилангизнинг ҳар бир аъзосига эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг. Шунда байрамона кайфиятингиз янада ортади.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Мавсумий юмушлар, майда-чуйда рўзғор ташвишлари қуршовида қолишингиз кутилмоқда. Бир йўла бир нечта юмушларни бажариб кетиш қобилиятингиз сизни бу вазиятда қўллайди.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Кутилмаганда узоқ сафарга боришингизга тўғри келиб қолади. Сафар чоғида, техника воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишни унутманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказасиз. Лекин вақтимни бекорга сарфладим, дея қайғурманг, бу учрашув анчагача ёдингиздан чиқмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Тасодифий воқеалар занжири кутилмаганда катта моддий манфаат кўришингизга сабаб бўлади. Ўз навбатида сиз ҳам яқинларингизни совғалар билан сийлайсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда соғлиғингизга алоҳида эътибор қаратишингизга тўғри келади. Атрофингиздагилар огоҳлантиришларига қулоқ тутинг, маслаҳатларига риоя этинг, тезда оёққа турасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Оилангизда қалтис вазият юз бериши мумкин. Сизга хос бўлган ҳозиржавоблик ва зийраклик бу вазиятни тез орада юмшатади, шунинг учун хавотирга тушмасангиз ҳам бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Кимларнингдир майда-чуйда фикрларига қўшилиб кўп йиллик дўстингиз билан тортишиб қолишингиз мумкин. Бундай қалтис вазиятнинг олдини олиш кўп жиҳатдан сизга боғлиқ.

КОВҒА (20.01-18.02)

Баҳорий юмушлар сизга роҳат бағишлаши мумкин. Шу кунларда кўпроқ табиат қўйнида бўлинг, ишга ижодий ёндошишда сизнинг кайфиятингиз жуда муҳим.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Дилингизга яқин кишилар даврасида кўпроқ бўлишга интилинг, шунда айни кунларда сизни безовта қилаётган ташвишли хаёллар чекинишига эришасиз.

Фаоллар

● Эй, сиз одамлар, эссиз одамлар!

ОНАНИНГ ЮМУШИДАН ОР ҚИЛИБ ...

Ибодат холани маҳалладошлари "дастурхончи хола" деб аташга одатланиб қолишгани бежиз эмас. Турмуш ўртоғи урушдан қайтмагач, ёлғиз фарзанди учун умрини бахшида этди. Тўй-ҳашамларда чаққон хизмат қилар, кимнинг қандай юмуши бўлса индамай бажариб берарди.

Лекин унинг шу хизматлари учун фарзанди ор қилиб, уни ошга бўктириб ... қотил бўлди.

Камолжон моддий жиҳатдан отаси борлардан зиёда ўсди. Онаси ҳамиша унинг кўнглига қаради. Айниқса, олий маълумотли бўлган куни онаизорнинг севинчи ичига сиғмай, ўша куниёқ совчиликка йўл олди. Ўғли билан келишиб, кўзлаб қўйгани - қўшни қишлоқлик Ҳалимахонни келин қилди.

Ҳаш-паш дегунча орада нетти-саккиз йил ўтиб кетди. Ҳовлида невараларнинг қийчуви... Ўғли бир куни онасига деди:

- Энди товонкашлик қилманг, бир идоранинг обрўли кишисиман, мени гапга қўясиз. Уйга ош олиб келишниям бас қилинг!

- Вой болажоним, гап ошу нондамас, савоб-да, - деди ҳайротомуз она - Тўй эгасига ёрдамлашаман, элни кутиш, кўнглини олиш катта савоб, ўғлим.

- Савоб ўз йўлига, бўлди, гап тамом! Бундан кейин уйга бировникидан ош-нон ташиманг!!!

Ибодат хола ҳайратда қолди. Наҳотки ўғли шунчалик ўзгарган бўлса? Бир пайтлар шу дастурхончилиги орқасидан кун кўришганини, тўйми, маъраками ўзига атаб тугилган дастурхонни шошилиб очганларини наҳотки ўғли унутган? Онаи зор нажот истаб келинига боқди. Унинг нигоҳлари эриникидан ҳам совуқ эди. Шунча ёшга етиб Ибодат хола бу қадар ўкиниб, дили озорланмаган эди.

... Уни яна қўярда-қўймай тўйга олиб кетишди. Ибодат хола минг истиҳола билан биринчи марта тўйдан берилган тугунини чўчибгина уйига олиб келди. Кечқурунги дастурхонга тўйнинг ошини қўйди.

- Енглар, болажонларим, савоби катта, - деди набираларига ҳадик аралаш.

Камолжон Ҳалимага ер остидан сирли қаради. Шунда келини деди:

- Ўғлингиз бировнинг ошини олиб келманг, девдилар-ку, ая? Ўзим ҳам ош қилгандим, уни ким ейди? Ростини айтсам шу қилиғингиздан жуда уяламиз...

Ибодат хола ҳарчанд тушунтирмасин на ўғли ва на келини унга қулоқ солмади. Камолжони, бир пайтлари унингсиз бирор кеча ухлолмайдиган, ҳидларига тўймай суйиб-қучган боласи унга душман каби ташланиб турарди.

Шу оқшом, дастурхондаги тўйдан келтирилган ош ҳам, келиннинг оши ҳам Ибодат холанинг умрига зомин бўлди. Онаизорнинг "Тўйдим. Емайман. Ея олмайман" деганига қарамай ўғил жаҳл билан унинг оғзига паловни мажбурлаб тиқаверди... Болаларга эса "Ҳеч кимга айтманглар. Энанг бир ошга бўксин, кейин иккинчи бу ишни қилмайди" деб тайинлади... Болаларнинг бундай қилманг, дея зорланиши ҳам уни жаҳлдан туширмади. Бечора она эса бу азобга чидолмади, унинг қон босими кўтарилди...

Кечагина соппа-соғ юрган товончи холанинг таъзиясига келганлар роса ажабланишди. Эл хизматида бўлган покдомон ва иймонли бу аёлнинг таъзиясида тумонат одам тўпланди, Камолжон одамлар бунчалик онасини эъзозлашини билмаган экан. Марҳумани қабрга қўйишди, аммо қишлоқ оқсоқоли Ҳабибулло отанинг кўнгли тинчимади. "Бу ерда бир сир бор, раҳматли Ибодат ҳали-вери ўладиган аёл эмасди" дея хаёлидан ўтказди у. Оқсоқол Камолжоннинг беш-олти ёшлардаги қизини гапга солди. Воқеани билиб олди... Ибодат холанинг жасади ерга қўйилганига уч кун бўлганди. Эрта билан унинг қабри бошига қишлоқ оқсоқоллари, ўғли, қариндошлари йиғилишди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳам келишди. Қабр очилди. Ёшу қари фарзанднинг ўз волидасига қилган бундай ваҳшийлигидан қаҳру ғазабга тўлди.

...Бу даҳшатли воқеанинг тафсилотлари узоқ-яқин қишлоқларга ёйилди. Уни эшитган киши борки, ўз онасининг қотилига айланган ўғилга лаънатлар айтди. Албатта, қотил қонун олдида жазосини олди. Лекин бу билан у инсон боласи шаънига келтирган иснодни юва олармиди?..

Норинисо ҚОСИМОВА.

● Ёшлар орасидаги гап

«СИНФДОШИМИЗНИ ТАНИМАЙ ҚОЛДИК...»

...9-синфни битиргандан сўнг баъзи синфдошларимиз касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга ўқишга киришди. Биз улар учун хурсанд бўлдик албатта. Лекин ...

Энди улар билан тез-тез кўришолмас эдик. Яқинда мактабимиз ҳовлисида синфдошларимиз билан суҳбатлашиб тургандик, мактабимиз ҳовлисига башанг кийинган, сочлари катталарникидек турмакланган бир қиз кириб келди. У бизни кўриб, шу томонга кела бошлади. «Кимнингдир онаси бўлса керак» деб ўйладик. У тобора бизга яқинлашиб келарди, биз эса ҳамон уни танимай турардик. У олдимизга келиб, биз билан бирма-бир сўраша бошлагач эса, ҳаммамиз ҳайратдан қотиб қолдик. Чунки у қиз биз билан 9 йил бирга ўқиган, кейин коллежга ўқишга кетган дугонамиз, синфдошимиз эди. Бизни ҳайратга солган нарса - унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани эди. Айни пайтда у биздан ўзининг синфдош-тенгдошларидан шу даражада ажралиб турар эдики, четдан қараган киши ҳам бизни синфдош деб ўйламасди. Дугонамиз анча-мунча ярашиқсиз кийинган, айниқса, юзига турли пардоз бўёқларини қўйиб олганди. «Сизларни бир кўриб кетай дедим-да» деди дугонамиз. Аслида у «Мана, кўриб қўйинглар, мен қандай эркинман, сизлар ҳали ҳам ёш боласизлар-да» демоқчи бўлаётганини ҳаммамиз тушундик. Унинг ҳаракатлари, сўзларида илгариги самимийлик, беғуборлик етишмасди. Шу пайт синфдош йигитлардан бири дугонамизнинг сўрашиш учун узатган қўлини муаллақ қолдирдида, унга қарата «Юзингдагиларни ювиб ташла, сенга ярашмабди» деди. Дугонамиз «Ҳе, сенинг нима ишинг бор, ёқмаса қарама» дедию юзини четга бурди. У билан суҳбатимиз сира қовушмади. Дугонамиз кетгач, унинг қандай ўзгариб кетганини муҳокама қилдик. Балки у собиқ синфдошларим менга ҳавас қилсалар керак, деб ўйлагандир. Лекин ҳеч биримизнинг унга ҳавасимиз келмади. Ахир коллежга боришдан мақсад - чуқурроқ билим олиш, мутахассис бўлиш эмасми, деб ҳайрон бўлдик, холос... Ахир, у коллежда ўқиётган бўлса, ёши биздан улғайиб кетгани йўқ-ку?

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА.

● Кимга нима ва қанчадан?

Маҳсулот тури	Тошкент бозорларида: Эски-Жўва min	Эски-Жўва max	Олой min	Олой max	Фарҳод min	Фарҳод max	Юнус обод min	Юнус обод max	Бектемир min	Бектемир max
Картошка	240	320	275	375	250	350	250	350	220	300
Пиёз	250	550	230	550	180	500	200	500	170	500
Карам	300	450	400	700	400	550	400	500	200	350
Сабзи	150	320	150	300	125	250	125	275	125	300
Помидор	400	1400	1200	1800	600	1600	600	1700	400	1400
Бодринг	600	800	800	1500	600	1300	700	1400	600	750
Сарм. пиёз	1000	1500	800	1700	700	1500	750	1500	800	1200
Шолғом	80	125	100	150	80	100	75	100	75	100
Олма	300	1500	250	1500	200	1300	250	1300	250	1200
Нок	400	1300	550	2000	500	1800	500	1800	300	1000
Анор	400	2100	1000	2500	800	2300	750	2000	350	1000
Лимон (1д.)	150	400	100	00	100	400	100	350	100	350
Мандарин	800	950	800	900	650	900	700	900	600	850
Ёнғоқ	800	1900	900	2300	800	2000	850	2000	900	1800
Арахис	800	1100	1000	1400	900	1200	900	1300	800	1000
Кишмиш	900	3000	1000	3500	850	3000	850	3500	850	2400
Туршак	750	2800	600	3500	500	3000	700	3000	50	2600
Мол гўшти	1700	2100	2200	2300	1900	2200	2000	2200	1700	2100
Қўй гўшти	2000	2600	2400	2600	2300	2500	2400	2600	2300	2600
Тухум (10 д.)	500	850	550	1000	500	1000	550	1000	500	850
Сут (л.)	250	300	250	300	250	300	250	300	200	300
Сариёғ	3500	3600	3000	3500	3100	3500	3200	3500	3300	3400
Гуруч	430	900	500	1500	500	1300	500	1400	380	800
Мош	300	500	350	450	300	450	375	450	300	350
Нўхат	300	450	350	500	350	500	350	450	300	400

Азиз жигарбандим, муниса синглим, ФЕРУЗАХОН!

Сени туғилган кунинг — қутлуғ айёминг билан чин дилдан муборакбод этаман. Сени қадрлаган, азиз билган кишиларнинг бахтига узоқ яшаб, соғ-саломат юришингни, қувонган кунларнинг кўпини кўришингни тилайман.

Опанг - ЗУЛХУМОР.



Хонадонимиз қувончи, эркатой дилбандим, набирагинам Дилшодбек!

Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Ўсиб-улғайиб, келажакда нафақат оиламиз, балки эл-юрт хизмати учун камарбаста инсон бўлиб етишишингни тилайман.

АТАМАТОВЛАР ОИЛАСИ НОМИДАН: БУВАНГ.

Насиядан мен ҳам бемор,
Нақди бўлса егайсан бол.

Ж. МИРЗО чизган расм.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъналберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8415 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-208 Топширилди — 21.00